

Сабр давоси ҳақида

05:00 / 14.03.2017 4471

Сабр қилиш қийин ва машаққатли бўлса ҳам илм ва амал қоришмасидан унинг маъжунини тайёрласа бўлади. Зотан, қалбнинг барча хасталикларига худди шу икки нарса, илм ва амал қоришмасидан даво тайёрланади. Аммо, ҳар бир беморлик учун алоҳида илм ва алоҳида амал керак.

Сабр турли қисмларга бўлингани каби, уни манъ қилувчи иллатлар ҳам турли-тумандир. Иллатнинг турига қараб иложнинг тури ҳам ўзгаради.

Бу ишни батафсил баён қилиш чўзилиб кетишини эътиборга олиб, қисқа бир мисол билан кифояланамиз.

Дейлик, бировнинг жинсий шаҳвати ғолиб келиб, сабр қилишга эҳтиёжи тушиб қолди. Фаржини зинодан тийишга қийналмоқда ёки фаржини тийса ҳам, кўзини тия олмаяпти. Кўзини тийса ҳам, қалбини ва нафсини тия олмаяпти. Нафси шаҳватга оид нарсаларни эсига солиб, уни зикр, фикр ва солиҳ амаллардан қолдирмоқда.

Сабрнинг ўзи дийний малаканинг ҳавойи нафс билан курашидан иборат эканини яхши биламиз. Икки курашчидан қай бири ғолиб келишини истасак, ўшани қувватлаб, қарши тарафни заифлаштиришга ҳаракат қилишимиз лозим бўлади. Демак, дийний омилни қувватлашга ва ҳавойи нафсни кучсизлантиришга уринишимиз шарт.

Дийний омилни қувватлаш икки хил йўл билан бўлади:

Биринчиси–мазкур одамни ҳавойи нафсга қарши курашишнинг бу дунё ва охиратдаги фойда ва самараларидан умидвор қилиш. Бу унга сабрнинг фазлини ва унинг оқибати икки дунёда яхшилик эканини яхшилаб англатиш билан бўлади.

Бу услуб маърифий малака бўлиб, иймонга боғлиқ бўлади ва гоҳида кучланиб, гоҳида заифлашиб туради. У кучланганда дийний омил ҳам кучланади ва заифлашганда дийний омил ҳам заифлашади.

Иккинчиси–дийний малакани ҳавойи нафсга қарши курашишга одатлантириш йўли. Бир нарсани кўп такрорлаш туфайли кишида ўша

ишни адо этишга қувват ва маҳорат ортиб боради. Такрорлаб турмаганларда қувват ҳам, маҳорат ҳам бўлмайди. Юкчи ва деҳқонларнинг аттор ва ўқитувчилардан кучли бўлишлари ҳам шундан.

Бу ишда кучли бўлиш учун икки хил ишни амалга қўйиш керак. Аввало, адо этиладиган фазийлатли ишнинг ортидан келадиган яхшиликларни такрор ва такрор эслатиб, ваъдаларни бериб туриш керак.

Қолаверса, болаларни ёшлиқдан ҳавойи нафсга, шаҳватга қарши курашиш руҳида атрофлича тарбиялаб ўстириш лозим.

Жинсий шаҳватни заифлаштириш уч хил йўл билан амалга оширилади:

1. Аввало, шаҳватни кучлантирувчи озиқ-овқат маҳсулотларига назар солиб, уларнинг турлари ва миқдори ўрганилади. Кейин даволанаётган одамга рўза тутишни, ифтор вақтида мазкур шаҳватни кучайтирувчи таомларни тановул қилмасликни тавсия қилинади.

2. Жинсий шаҳватнинг қўзишига сабаб бўладиган омилларни йўқотилади. Мисол учун, шаҳватни қўзғатадиган нарсаларга назар солишнинг йўлини тўсилади.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади:

«Сен мўминларга айтгин! Кўзларини тийсинлар ва фаржларини сақласинлар. Мана шу улар учун покроқдир. Албатта, Аллоҳ нима қилаётганларидан ўта хабардордир. Ва мўминаларга айтгин! Кўзларини тийсинлар ва фаржларини сақласинлар» («Нур» сураси, 30- , 31-оятлар)

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Назар иблиснинг заҳарланган ўқларидан бир ўқдир. Бас, ким уни Аллоҳдан қўрқиб тарк қилса, У зот азза ва жалла уни ҳаловатини қалбида топадиган иймон ила мукофотлайди», – дедилар».

Тобароний ва Ҳоким ривоят қилган.

3. Энг яхшиси-шаҳватни ҳалол йўл билан, никоҳ йўли билан қондиришга шароит яратишдир.

Бошқа сабрга муҳтож бўлинадиган ҳолатларда ҳам шунга ўхшаш иш тугилади. Ҳар бир муаммони ҳал этиш учун барча ҳалол йўлларни ишга солиб, атрофлича муолажа қилиш мақсадга мувофиқдир.